

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА
ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ КАСБИЙ
СЕРТИФИКАТЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ - 2024

Умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024 й. – 20 б.

Умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича услубий қўлланмада педагог кадрларни касбий сертификатлаш бўйича мурожаат қилиш, назорат синови ўтказиш, касбий сертификатни расмийлаштириш, бериш ва уларнинг реестрини юритиш, шунингдек, апелляция шикоятини кўриб чиқиш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Ушбу услубий қўлланма **тавсиявий хусусиятга** эга.

МУНДАРИЖА

Кириш

Умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

Касбий сертификатлаш мезонлари

Педагог кадрларни касбий сертификатлаш бўйича муурожаат қилиш

Назорат синови қай тартибда ўтказилади?

Касбий сертификатни расмийлаштириш, бериш ва уларнинг реестрини юритиш

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш

Иловалар

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Хусусан, таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек малакали профессионал педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 майдаги “Мақтабгача ва мақтаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–79-сон Фармонида мақтабгача, умумий ўрта ва мақтабдан ташқари таълим ташкилотларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик касбларига биринчи марта ишга қабул қилинаётган талабгорларни касбий сертификатлаш тизими жорий этилиши белгиланган.

Мазкур масалага оид қонунчилик ҳужжатларини содда, аниқ ва тушунарли тилда баён этиш мақсадида Умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари ходимлари, ўқитувчилар ва бошқалар учун мўлжалланган.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ КАСБИЙ СЕРТИФИКАТЛАШГА ДОИР НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5712-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-79-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 12 февралдаги “Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 87-сон қарори



КАСБИЙ СЕРТИФИКАТЛАШ МЕЗОНЛАРИ

- Педагогик касбга биринчи марта ишга қабул қилинаётган олий маълумотли талабгор **стажёр-ўқитувчи** сифатида иш бошлайди.
- Стажёр-ўқитувчилар ишга қабул қилингандан бошлаб **1 йил муддатда** касбий сертификат олиши лозим.



Стажёр-ўқитувчиларга улар касбий сертификат олгунига қадар олий маълумотли (тоифасиз) ўқитувчининг **базавий тариф ставкаси** қўлланилади.

Олий маълумотли (тоифасиз) ўқитувчининг базавий тариф

Олдин касбий сертификат олган, бироқ педагогик фаолиятида фаолиятини қайта бошлаган вақтдан бошлаб **1 йил давомида** касбий сертификат олиши лозим.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг педагог кадрларини касбий сертификатлашга **қўйидаги муассасаларга нисбатан қўлланмайди:**

✓ Маданият вазирлиги ва Бадиий академия тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари;

✓ Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар;

* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 275-сон қарори.

- ✔ мактаб-интернатлар;
- ✔ нодавлат таълим ташкилотлари.

»»» Талабгорларни назорат синовларига жалб этиш **режа-графи**ги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) томонидан тасдиқланади.

»»» Вазирлик касбий сертификатлаш жараёнини **ташқил этади**, **назорат қилади** ва **мувофиқлаштиради**.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ходимлари томонидан талабгор тўғрисидаги **шахсий маълумотлар махфийлиги** таъминланади.

✔ Касбий сертификатлаш жараёнига талабгор ўз муддатида жалб этилиши учун у ишлаётган **давлат умумий ўрта таълим ташкилотининг раҳбари** масъулдир.



Педагог касбий сертификатни **асосий ш жойи бўйича** олади.

»»» Агар педагог давлат умумий ўрта таълим ташкилотида **ўриндошлик асосида** дарс берса, бироқ асосий иш жойида **педагогик фаолият билан шуғулланмаса**, у ҳолда ўриндошлик асосида фаолият юритаётган таълим ташкилотидан касбий сертификатлаш жараёнларига жалб этилади.

»»» Педагог дипломида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналиши, мутахассислик ёки ихтисослигига мос келадиган ўқув фанлари бўйича касбий сертификатлашдан ўтади.

»»» Педагог дипломида 1 тадан ортиқ тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислик ёки ихтисослик кўрсатилган бўлса, у дарс бераётган **ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида касбий сертификат** олиши лозим.

Касбий сертификат олиши талаб этилмайдиган педагоглар


фан номзоди, фалсафа доктори Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори Doctor of Science (DSc) даражасига эга бўлган педагог кадрлар
Олий аттестация комиссияси томонидан берилган катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонига эга бўлган педагог кадрлар
магистр даражасига эга мутахассислар

Касбий сертификатлашдан **маълум муддатга озод қилинадиган** педагоглар:

	ҳомиладор аёллар, ҳомиладорлик ёки туғиш таътилида бўлган аёллар	таътил даврида ҳамда ишга чиққанидан кейин
	педагогик фаолият билан шуғулланаётган уч ёшгача болалари бор аёллар	фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар
	узоқ (уч ойдан ортиқ вақт мобайнида) даволанаётган педагог кадрлар	даволанаётган даврида ҳамда ишга чиққанидан кейин 6 ой давомида
	ой ва ундан кўп вақтга республика, чет элга ўқишга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсига юборилган педагог кадрлар	ишга чиққанидан сўнг 6 ой давомида

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ КАСБИЙ СЕРТИФИКАТЛАШ БЎЙИЧА МУРОЖААТ ҚИЛИШ

Талабгор назорат синовида қатнашиш учун сўровнома тўлдириб, рўйхатдан ўтади.



Сўровнома шакли Қўлланманинг Иловалар қисмида берилган.

- ✓ Рўйхатга олиш даврийлиги **камида 1 ой** давом этади.
- ✓ Рўйхатга олиш санаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг **расмий веб-сайти** орқали эълон қилинади.

Биринчи марта касбий сертификат олиш бўйича назорат синовида иштирок этиш учун талабгордан **тўлов ундирилмайди.**

Назорат синовида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиб, назорат синовида **узрли сабабларга кўра** иштирок этмаган талабгор назорат синовидан ўтмаган ҳисобланади ҳамда назорат синовида иштирок этиш учун **қайтадан рўйхатдан ўтиши** талаб этилади.

Узрли сабаблар қуйидагилардан иборат:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик

давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётганлик

республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этганлик
вақтинча хорижий мамлакатда сафарда бўлиб турганлик
яқин қариндоши вафот этганлик
ваколатли давлат органи ёки таълим ташкилотлари
раҳбарларининг маълумотномасида кўрсатилган асослар

»»» Назорат синовида қайта иштирок этиш учун талабгор
томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари**
миқдорида тўлов тўланади.

✓ Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ахборот тизимида рўйхатга
олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги
бўлган шахсларга тўловлар бўйича **50 фоиз миқдорида чегирма**
қўлланилади.

✓ Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали рўйхатдан
ўтилганда, белгиланган тўлов миқдорининг **90 фоизи**
тўланади.

✓ Давлат хизмати кўрсатиш учун тўлов
тўланганлиги SMS-хабар, мобил иловага ва
бошқа ахборот-коммуникация тизимлари орқали
тасдиқланади.



Узрли сабабларга кўра назорат синовида иштирок этмаган
талабгордан навбатдан ташқари назорат синовида иштирок этиш
учун **такроран тўлов ундирилмайди.**

»»» Талабгор давлат хизматларидан фойдаланишда
хизмат кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида
назорат синовида иштирок этишдан бош тортиш
ҳуқуқига эга. Талабгор давлат хизматларидан
фойдаланишдан бош тортганда ёки назорат
синовидан ўта олмаганда, **тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.**



НАЗОРАТ СИНОВИ ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?


»»» Назорат синови қоида тариқасида, ҳар йили **март – май ойларида** ўтказилади.



Мактабгача ва мактаб вазирлигининг ички имконияти ҳамда талабгорларнинг мууро-жаатларидан келиб чиқиб, **йилнинг бошқа ойларида** ҳам назорат синовлари ўтказилиши мумкин.

Назорат синови **тест шаклида** ўтказилади.

»»» Назорат синовини ўтказиш жойи ва санаси ўтказиладиган кундан камида **10 кун олдин** Вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда ЯИДХП орқали талабгорларнинг шахсий кабинетига юборилади.



Назорат синови

Топшириқ	Ҳар бир топшириқ	Жами балл
50 та	2 баллдан	100 балл

»»» **Назорат синови материаллари** Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги **Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази** томонидан тестологиянинг халқаро талаблари асосида холислик ва махфийликни таъминлаган ҳолда шакллантирилади.

»»» Марказ назорат синови материалларини шакллантириш учун **манфаатдор идоралар**, уларнинг ҳудудий бўйсунувидаги

ташкilotлар, илмий-тадқиқот институтларининг **етақчи олимлари, малакали мутахассислар, маҳаллий ва хорижий экспертлар**, шунингдек, **нодавлат ташкilotлар вакиллари** шартнома асосида жалб этиши мумкин.

»»» Талабгор назорат синовида **узрли сабабларга кўра** иштирок эта олмайдиган бўлса ёки иштирок этмаса, **тўловни қайтариш учун** назорат синови ўтказиладиган санадан бошлаб **5 иш куни давомида** ДХМ ёки ЯИДХП орқали Вазирликка мурожаат этиши лозим.

✓ Бунда фақат Вазирликнинг Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори талабгорга қайтарилади (тўлов амалдаги электрон тизим орқали амалга оширилганда, кўрсатилган хизмат учун ундирилган тўловдан ташқари).

»»» Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича **махсус ҳисобварағига** ҳамда Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш **жамғармасига** келиб тушган пул миқдори **қайтарилмайди.**

»»» Талабгор белгиланган назорат **синовига кечиккан** ёки **узрсиз сабабга кўра келмаган** ҳамда назорат синови қоидаларини бузганлик учун жараёндан **четлатилган тақдирда**, тўланган **тўлов қайтарилмайди.**



Назорат синови компьютерда (онлайн платформа) ўтказилади.


Назорат синови ўтказиладиган жойлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган таълим ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг катта сиғимдаги бинолари

✔ Назорат синовларини ўтказишда **ошкоралик ва шаффофлик** таъминланади. Назорат синовини ўтказиш учун **кузатувчилар** жалб этилиши мумкин.

»»» Кузатувчиларга ҳар бир кун учун белгиланган **БҲМнинг 1 баравари** миқдорида ҳақ тўланади.

✔ Тўлов кузатувчи ва Вазирлик ёки Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази билан тузиладиган **шартнома асосида** тўланади.




»»» Назорат синовини топширишда талабгор фуқаролик паспорти ёки идентификация **ID-кارتасининг аслини** тақдим этади.



Талабгор назорат синовидан четлаштирилдиган ҳоллар:

✔ синов ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай адабиёт, шпаргалка ёки телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кириш;

- ✔️ синов ўтказилаётган вақтда бошқа талабгорлар билан мулоқот қилиш;
- ✔️ назорат материалларини аудиториядан олиб чиқишга ҳаракат қилиш, саволларни кўчириб олиш;
- ✔️ саволларни бошқа талабгорга бериш, назорат синовини ўтказиш жараёнига халақит қилиш;
- ✔️ назорат синови жараёнида видеокузатув орқали талабгорнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлик.



»»» **Синов натижалари** назорат синови тугалланганидан сўнг шу вақтнинг ўзида маълум қилинади, натижалар талабгорнинг шахсий кабинетига ҳам юборилади.

Назорат синови натижалари апелляция якунларига мувофиқ ўзгариши мумкин.

»»» Тестология меъёрлари бузилганда назорат **синови натижалари** Вазирлик томонидан **бекор қилинади**.



Тестология меъёрлари бузилиши – бу назорат материаллари хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш қоидалари бузилиши, хусусан, талабгорлар томонидан назорат материалларини олдиндан қўлга киритилиши.

Назорат синови натижаси бекор қилинганда талабгорнинг хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан бири амалга оширилади:

- ✔️ Таълим соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобварағига келиб тушган тўлов миқдори қайтарилади;
- ✔️ қайта назорат синовлари ташкил этилади.

КАСБИЙ СЕРТИФИКАТНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ, БЕРИШ ВА УЛАРНИНГ РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ

»»» Назорат синовидан ўтиш учун талабгор **56 ва ундан юқори балл** тўплаши лозим.

»»» Назорат синови якунланганидан сўнг **1 ой муддатда** назорат синовларидан ўтган талабгорларнинг **рўйхати** тасдиқланади.

»»» Рўйхатга асосан электрон шаклдаги **сертификат** талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади.



✓ Талабгор ЯИДПХдаги бўлим орқали касбий сертификатни юклаб олади.

Сертификат шакли Қўлланманинг Иловалар қисмида берилган.

»»» Касбий сертификатнинг **электрон реестри** Вазирлик томонидан юритилади.



Назорат синови натижаси бўйича **56 баллдан кам** кўрсаткичга эга талабгор назорат **синовидан ўтмаган** ҳисобланади.

Навбатдан ташқари назорат синовида иштирок этиши мумкин бўлган шахслар:

✓ узрли сабабларга кўра назорат синовида иштирок эта олмаган талабгор;

✓ биринчи мартаба назорат синовида иштирок этиб, ундан ўта олмаган талабгор.

»»» Навбатдан ташқари назорат синови ҳар йили **янги ўқув йили бошлангунга қадар** ташкил этилади.

»»» Навбатдан ташқари назорат синовида иштирок этиш учун **рўйхатдан ўтиш санаси** ва **назорат синовини ўтказиш муддати** Вазирликнинг **расмий веб-сайтида** эълон қилинади.

Талабгор навбатдан ташқари назорат синовида иштирок этиб, етарли балл тўплай олмаса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.



»»» Иш берувчи меҳнат шартномаси бекор қилинган талабгор тугатган олий таълим ташкилотига талабгорнинг касбий сертификатлашдан ўта олмаганлиги тўғрисида **рекламация**

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

»»» Касбий сертификатлаш натижаларидан норози бўлган талабгор натижа эълон қилинган кундан бошлаб **5 кун мобайнида** ДХМ ёки ЯИДХП орқали **апелляция шикояти** бериш ҳуқуқига эга.

✓ Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун **Апелляция комиссияси** тузилади.

Асос	Комиссия аъзолари сони	Комиссия таркиби
Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг буйруғи	3–7 нафар	Вазирлик ходимлари, тажрибали педагоглар ва малакали мутахассислар



Апелляция комиссияси таркибига **назорат синовида қатнашган ходимлар** киритилмайди.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш муддати – 2 ҳафта.

»»» Талабгор **Апелляция комиссияси қарори** тўғрисида ЯИДХП орқали хабардор қилинади.

Апелляция шикоятини кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:



»»» Назорат синови натижасини ўзгартириш ва **апелляция шикоятини қондириш тўғрисидаги қарор** шикоятда кўрсатилган далиллар **ўз тасдиғини топган тақдирда** қабул қилинади.

✔ Апелляция натижаларига кўра талабгорнинг эътирозлари ўринли деб топилган тақдирда, нотўғри тузилган топшириқ учун бериладиган балл мазкур топшириқ берилган барча талабгорлар фойдасига қўшиб ҳисобланади.

Такрорий апелляцияга йўл қўйилмайди.

»»» Талабгор Апелляция комиссияси қарори устидан судга шикоят қилиши мумкин.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Касбий сертификат	назорат синовидан муваффақиятли ўтган жисмоний шахсга педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган, чекланмаган муддатга бериладиган QR-код қўйилган давлат намунасидаги ҳужжат
Назорат синови	касбий сертификат олиш учун жисмоний шахснинг педагогик касби бўйича билими ва педагогик маҳоратини аниқлаш жараёни
Навбатдан ташқари назорат синови	узрли сабабларга кўра назорат синовида иштирок эта олмаган ҳамда биринчи маротаба назорат синовида иштирок этиб, ундан ўта олмаган талабгорлар учун ташкил этиладиган назорат синови
Стажёр-ўқитувчи	давлат умумий ўрта таълим ташкилотида педагогик касбга биринчи марта ишга қабул қилинган олий маълумотли жисмоний шахс
Талабгор	касбий сертификат олишга даъвогар бўлган давлат умумий ўрта таълим ташкилотидаги стажёр-ўқитувчи ёки мутахассис лавозимидаги ўқитувчи
ЯИДХП	Ягона интерактив давлат хизматлари портали
ДХМ	Давлат хизматлари марказлари

Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш СХЕМАСИ

Босқич	Ижрочи	Тадбирлар	Муддатлар
1- босқич	Давлат хизматлар и маркази, ЯИДХП	Талабгор касбий сертификатлаш назорат синовида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтади.	Рўйхатга олиш расмий эълон қилинган кундан бошлаб 1 ойда
2- босқич	Мактабгач а ва мактаб таълими вазирлиги	Талабгорнинг ўз фанини билиши, педагогик маҳорати, кўникма ва малакаларини баҳолаш учун назорат синовини ташкил этади.	Ҳар йили март-май ойларида
3- босқич	Мактабгач а ва мактаб таълими вазирлиги	Талабгор назорат синовидан муваффақиятли ўтганда, унга электрон шаклдаги сертификатни расмийлаштиради ва ЯИДХП орқали юборади.	Буйруқ қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида

4- босқич	Талабгор	Назорат синовини натижасидан норози бўлганда, Апелляция комиссиясига апелляция шикоятини беради.	Натижа эълон қилинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида
----------------------	----------	---	---

5- босқич	Апелляция комиссияси	1. Апелляция шикоятини кўриб чиқади. 2. Талабгорни Апелляция комиссияси қарори тўғрисида ЯИДХП орқали хабардор қилади.	Икки ҳафта мобайнида
----------------------	-------------------------	---	-------------------------

Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлаш бўйича

СЎРОВНОМА

Ариза берувчи тўғрисида маълумот:
1. Фамилияси
2. Исми
3. Отасининг исми
4. Паспорт (ID карта) маълумотлари (серияси, рақами)
5. Таълим ташкилоти жойлашган ҳудуд
6. Таълим ташкилоти жойлашган туман (шаҳар)
7. Таълим ташкилоти номи ёки рақами
8. Сертификат олинadиган фан номи
9. Ўқиган таълим муассасаси
10. Диплом бўйича мутахассислиги
11. Таълим тили
12. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)
13. Яшаш манзили (киритиш орқали)
14. Телефон рақами

Давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини касбий сертификатлашдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатнинг давлат намунаси

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT GERBINING TASVIRI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MAKTABGACHA VA MAKTAB TA’LIMI VAZIRLIGI
DAVLAT UMUMIY O‘RTA TA’LIM TASHKILOTLARI PEDAGOG KADRLARINING
KASBIY SERTIFIKATLASHDAN O‘TGANLIGI TO‘G‘RISIDA
SERTIFIKAT**

Sertifikat
seriyasi

Sertifikat
raqami

Pedagog kadr to‘g‘risida ma‘lumot:

Pedagog kadrlarning shaxsiy
kodi

Familiyasi

Ismi

Otasining
ismi

Tug‘ilgan
vaqti

Ish joyi

Tayyorlov yoki ta‘lim yo‘nalishi, mutaxassislik
yoxud ixtisoslik nomi

Pedagogik mahorat bo‘yicha (nazorat) sinovi natijasi

O‘quv (maxsus) fani bo‘yicha (nazorat) sinovi natijasi

Jami to‘plangan ball

Berilgan sana

Sertifikatni imzolagan shaxs

QR —
kod